

Жамловчи манҳажга асосланган амалий татбиқлар (Салафийлик 7)

05:00 / 13.03.2017 3163

Муқаддима

Мазкур бобни келтиришдан бизнинг кўзлаган асосий мақсадимиз, юқорида айтиб ўтилган маҳмуд раёларни жамловчи манҳажнинг мусулмонлар фикрий-сулукий ҳаётларига қандай таъсирлар ўтказганлигини кўрсатиб беришдир. Зеро, улар мана шу манҳаж асосида яшадилар. Унинг ёрдамида Ислом ҳақийқатига қаттиқ риоя қилдилар ва ўзларининг (дунё-охират) сафарларини Исломга мувофиқ бир тарзда ўтказдилар. Аввалги бобдан билиб олдики, ушбу манҳажда муттафақ ва мухталаф ўринлар мавжуд, аммо уларнинг ҳар иккаласи яхлит манҳаж ҳолида Аллоҳ арқонига мустаҳкам боғланиш маъносини ифодаловчи ягона ўлчов ҳисобланади. Аввалги бобда мана шу масалага доир айрим намуналарни келтириб ўтдик. Бузғунчилар, бидъатчилар ва ушбу диндан айрилганлар ўз бузуқликлари, бидъатлари ва залолатлари билан қай тарзда Ислом роҳи-ростидан ташқарига чиқиб кетганликларини сўзлаб берувчи, аниқлаб берувчи ягона ҳужжат- мана шу манҳаждир. Биз ушбу бобда мана шу нарсаларни баён қилиб ўтишни қасд қилдик.

Барчамизга маълумки, аслида бу манҳаж, инсонлар ҳидоят- залолат ҳудудларини чегаралаб олишлари, улар орасини аниқлаш ҳамда улар орасидаги мавжуд нейтрал ҳудуддан огоҳ бўлишлари учун лозимдир.

Ушбу манҳажнинг асарларини кўриб чиқиш учун, авваломбор ўша манҳажга амал қилиш натижасида пайдо бўлган хулоса сифатидаги уч натижани қисқача баён қилиб ўтмоғимиз даркор.

Биринчи натижа: унинг ҳақ эканлиги қатъий бўлиб, бу ҳақида ихтилоф қилиш мумкин бўлмаган масалалар. Бу масалалар ақийда асослари, дин устунлари ёки сулукий аҳкомлардан бирига тегишли бўлиши мумкин. Бу мажмуа, юқоридаги манҳажга амал қилиш натижасидаги, муттафақ бўлган қоидалар ва нуқталарга риоя қилиш орқали вужудга келган.

Иккинчи натижа: унинг залолат ва нотўғри эканлиги қатъий бўлган, бу ҳақида ихтилоф қилиш мумкин бўлмаган масалалар. Ушбу залолат ва хатоларнинг ақийдавий ёки сулукий ҳукмларга доир бўлишида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шунингдек, ушбу залолатларнинг динга бўлган хавфу хатарлари, Қуръон ва Суннатдан йироқлик масофаларининг турлича бўлишини ҳам фарқи йўқ. Аслида, залолат ўз навбатида Қуръон ва Суннатдан нақадар йироқ бўлишига кўра куфр, фисқ ва бидъатларга бўлиниши кўпчиликка маълум.

Учинчи натижа: уни тушунишда бир неча қарашлар эҳтимоли мавжуд бўлган ихтилофли масалалар. Бундай ихтилофли масалалар шунчаки ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган эмас, балки улар манҳаж қоидалари ва усулларига риоя қилинган ҳолатда, унинг риояси натиijasида юзага келган. Бироз аввал бунга мисоллар келтириб ўтилди. Бундай ихтилофлар манҳаж доирасидан ташқарига чиқиб кетилганлиги сабабидан пайдо бўлган эмас, аксинча бу ихтилофлар манҳаж табиати ва тақозосига кўра юзага келган. Демак, манҳаж доираси ичида, аммо унинг бир четида турган киши ўша доира ичидаги, аммо иккинчи четида турган кишини манҳажсизликда айблашга ҳаққи йўқдир. Зеро уларнинг ҳар иккаласи ҳам мана шу манҳаж доираси ичида сайру сулук қилмоқдалар.

Яна бир карра такрорлаб ўтмоқчимизки, бу манҳажга амал қилган киши, қайси асрда яшамасин, қаерда ҳаёт кечирмасин, у ўзининг эътиқодий ва сулукий ҳаёт тарзини Қуръон ва Суннатга мувофиқ кечираётган шахс ҳисобланади. Биз китобдаги қолган баҳсларни ана шу маъно атрофида юритмоқчимиз.

Дастлаб, юқорида мухтасар баён қилинган уч натижанинг тафсилотига киришсак.

Биринчи натижа: ихтилоф қилиш мумкин бўлмаган усуллар ва ҳукмлар

Биз, иттифоқ қилинган, улар ҳақида ихтилоф қилиш дуруст бўлмаган масалалардан айримларини намуна сифатида келтирмоқчимиз. Аслида мана шу иттифоқ қилинган яъни, ихтилофсиз бўлган ҳукмлар юқоридаги манҳажга амал қилиш самараси ҳисобланади. Баҳс юритувчилар ушбу асл қоидалар билан танишиб чиқишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бас, энди тартиб билан баён қилишга киришамиз.

1. Аллоҳ таоло бандаларига унга эргашиб, уни мустаҳқкам ушлашга қатъий амр қилган дин- Ислом дини эканига чин дилдан ишониш. Ушбу дин эса, ўзининг эътиқодий асослари, сулукий фикҳи ва одобларининг барчасини раббимиз бўлмиш Аллоҳнинг китоби, пайғамбаримиз бўлмиш Муҳаммад с.а.в суннатлари, саҳоба, тобъеийн ҳамда ҳадис имомлари тарафидан саҳиҳ тарзда етиб келган ривоятлар ва мусулмон уламолари ижмоъларидан олади.

2. Аллоҳ азза ва жалла ўз зоти, сифатлари ва феълларида танҳо, ягона эканлигига қатъий ишониш. Ундан ўзга яратувчи йўқ, зарар етказувчи йўқ, манфаат келтирувчи йўқ. Бу оламда, сабаблар, дея номланувчи нарсаларнинг барчаси, аслида Аллоҳ таоло тарафидан унинг хоҳишига биноан шундай сабаб қилиб қўйилган нарслардан ўзга эмасдир. Яъни, улар Аллоҳнинг иродасидан ташқаридаги мустақил борлиқ эмас, балки улар Аллоҳ таоло тарафидан қўйилган сабаблардир.

3. Аллоҳ таолонинг эшитиш, кўриш, билиш, қудрат ва ирода каби сифатларининг барчаси Аллоҳ учун собит бўлиб, уларни Аллоҳ ўзи учун ўзи собит қилгандир. Бу сифатлар Аллоҳдан ажралувчи сифатлар эмас. Аллоҳнинг зоти қадийм бўлганидек, унинг сифатлари ҳам қадиймдир. Калом ҳам Унинг сифатларидан бири бўлиб, у қадиймдир, махлуқ эмас.

4. Аллоҳ таолонинг на зотида, на сифатларида ва на феълларида тенги ва ўхшаши йўқдир. Зеро, бу нарсалар Унинг ягоналиги маъносининг бир бўлагидир. Аллоҳ азза ва жалла Ўзи ҳақида Ўзи Ихлос сураси; 3-4 оятларда айтганидек: “*ذَٰلَٰكَ نُكَيِّمُ لَٰهُ* (3) *وَأَوْفُوكُمْ*” (У туғмаган ва туғилмаган ҳам. Шунингдек, Унинг бирор тенги йўқдир). Аллоҳ таоло ўзини сифатлаган сифатлар ёки ўша сифатлари ҳақида берган хабарлар, зоҳиран тажсайд (яъни, махлуқлардаги қўл, оёқ каби жасад маъносини бериш) ва ташбийҳни (яъни, кўриш, эшитиш ва билиш каби нарсаларда Холиқни махлуқаларга ўхшатиш) ифодалаши мумкин. Аммо, биз ўша сифатларни, У ўзи учун қандай собит қилса, ҳудди ўша собит бўлганидек эътиқод қиламиз. Яъни, таътилга ҳам, таъвилга ҳам юз тутмаймиз. Аллоҳни ўхшатиш, тенглаштириш, тўла қамраб олиш ва Унга аниқ бир шакл беришдан поклаймиз. Зеро, Аллоҳ таоло ҳам ўзини бундай нарсалардан поклагандир. Аллоҳ таоло ўз каломи Қуръони каримда, Тоҳа сураси; 5-оятда *سُبْحٰنَ رَبِّكَ الْوَالِدِ الْعَزِيزِ* (У-Роҳман аршни эгаллади).

Роҳман сураси; 27-оятда *وَالَّذِي يُدَارِكُ الْبُيُوتَ وَالضُّلَمَ الْبُرُوجِ* (Улуғлик ва икром эгаси Роббингнинг ўзигина боқийдир),

Қамар сураси; 14-оятда **أَنْ نُؤَيِّعَ أَبَٰبَ يَوْمِ حَتَّٰتٍ** (...Бизнинг иноятимиз ила юрадир.),

Фажр сураси; 22-оятда **أَفْصَحُ كَلِمًا وَآجٍ وَ** (Ва Роббинг ва фаришталар саф-саф бўлиб келсалар),

Сод сураси; 75-оятда **سَيَذَرُكَ أَجْرٌ** (...Ўз қўлим билан яратган нарсага) ва

Қоф сураси; 16-оятда **دَيُّرٌ لِّبَحْرٍ نَمُوهُ لِيُرْقَأَ نَحْوَهُ** (Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз) дея марҳамат қилган.

5. Борлиқдаги барча нарсалар мавжудияти танҳо Аллоҳнинг яратиши билан бор бўлганлигига қатъий ишониш. Яхшилик, ёмонлик, инсонлар феъллари ва шу каби коинотдаги барча нарсалар Унинг хоҳиш-иродаси ва яратиши ила пайдо бўлган. Коинотдаги, Аллоҳдан ўзга, барча нарсанинг янги пайдо бўлиши заруратдир. Зеро, улар махлуқдирлар. Махлуқларнинг эса, ибтидоси бўлади. Мана шу ҳақийқат Илоҳий Баённинг кўплаб оятларида зикр қилинади.

Анкабут сураси; 20-оятда **مُتَّخِذِينَ آدَبًا فَيَكُونُونَ أَفْصَحُ كَلِمًا** (Сен: “Ер юзида сайр этиб юринглар ва махлуқотларни У зот аввал бошдан қандай яратганига назар солинглар. Сўнгра Аллоҳ охираат ҳаётини пайдо қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир”, деб айт),

Юнус сураси; 4-оятда **أَنْ يُؤَيِّعَ أَبَٰبَ يَوْمِ حَتَّٰتٍ** (Албатта, У аввал бошда (барчани) Ўзи яратадир)

ва Намл сураси; 64-оятдаги **مَنْ مِمَّنْ أَدَّبَ يَوْمَ حَتَّٰتٍ** (Ёки аввал бошдан яратадиган, сўнгра яна қайтадиган яратадиган ва сизларни осмонлару ердан ризқлантирадиган Зот яхшими?)лар бунга мисол бўлади.

6. Ҳар бир нарсанинг Аллоҳнинг қазо ва қадари билан бўлишига қатъий ишониш. Аллоҳ мўмин ва кофирларга касб ва ихтиёр қилиш ҳуқуқини бирдек бергандир. Мўминнинг ҳидоятга эришиши Аллоҳнинг тавфийқи ва лутфи биландир. Ҳақийқатга қарши чиқувчининг гумроҳлиги эса, Аллоҳнинг уни адаштириши ва қалбини муҳрлаб қўйиши сабабидандир. Шу билан бирга асло унутмаслик керакки, Аллоҳнинг ҳар бир иши ҳақ ва адолатдан иборатдир.

7. Ақллари ва қалбларида иймон ва Ислом асослари мукамал бўлган аҳли қиладан ҳеч қайси бирини, у содир этган на гуноҳи сағира ва на гуноҳи

кабийра сабабли кофирга чиқазмасликка қатъий ишониш. Аммо бундай ҳолатда, унинг гуноҳни қандай эътиқод асосида қилганлигига эътибор берилади. Агар, у содир этган бу гуноҳ, ҳаром эканлигини билиш, ҳар бир мусулмонга зарурий бўлган ўғрилиқ, зино ва шунга ўхшашлар жумласидан бўлса, ва у буни ҳалол санаган ҳолда содир этса, у кофирга айланади. Унинг кофирга айланиш сабаби сулукий бузуқлиги сабабидан эмас, балки эътиқодий бузуқлигидандир. Бордию, у бу гуноҳни ҳаром эканлигига шубҳасиз эътиқод қилган ҳолда содир этган бўлса, у бу қилмиши сабабли осий ва фосиқ саналади. имом Аҳмад р.а наздларида, намозни била туриб тарк қилган кишини, гарчи у буни инкор этмасада, кофир саналаши жумҳурдан мустаснодир. Бу тарзда гуноҳ қилган кимса, ўша гуноҳи сабабли қиёмат кунда Аллоҳнинг ваъийди ва огоҳлантирувига биноан иқобга дучор бўлади. Аммо шу билан бирга, у ҳақида Аллоҳнинг авфи ва мағфиратидан умид қилинади. Зеро, Аллоҳ таоло ўзининг фазлу карами ва мағфиратининг кенг эканлиги ҳақида Қуръон каримнинг

Нисо сураси; 48-оятда $\text{نَمْلَكَ لَدُنْكَ اَمْ رَفَعْتَ وَيْهِ وَهَبَكَ رَشِي نَا رَفَعْتَ اَلْجَلَالُ اِنْ اَمْ يَطْعَ اَمْ تِ اِ تَرْتَفَا دَقْفَه لَلْ اَب كَرَشِي نَمَوْ اَشَا ي}$ (Албатта, Аллоҳ ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқа гуноҳни, кимни хоҳласа, кечирадир. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, катта гуноҳни тўқибдир)

ва Тавба сураси; 106-оятда $\text{بُؤْتَا ي اَمْ اَوْ مُهَبِّدَا ي اَمْ اَلْجَلَالُ رَمَا لَن وَرْمَن وَرَحَا و}$ (Ва Аллоҳнинг амрига ҳавола қилинган бошқалар бор. Уларни ёки азоблайдир ёки тавбаларини қабул қиладир. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир), дея марҳамат қилади.

8. Тўлин ойли кечада, ой кўзларга нақадар аниқ-тиниқ кўринса, Аллоҳ таоло ҳам қиёмат кунда кўзларга ўзига хос тарзда аниқ-тиниқ кўринишига қатъий ишониш. Бундай ажойиб мукофот охирлари гўзал оқибат билан тугаган мўминлар учундир. Аллоҳ таолонинг

Қиёмат сураси; 21-22- оятларида $\text{رَطَانَ اَوْبَرَ يَلِ اِ (22) رَضَانِ ذِي مَوِي هُو جُو}$ (У кунда чиройли юзлар бор. Ўз Роббисига назар солувчилар) сўзидан ирода қилинган кишилар ўшалардир. Аммо, Аллоҳ асрасин, ҳаётлари куфр билан интиҳосига етган кофир кимсаларга келсак, улар Аллоҳни кўришдан маҳжубдирлар, яъни, тўсилгандирлар.

Аллоҳ таоло бу ҳақида Мутоффибийн сураси; 14-оятда $\text{مَّوَبَّرًا نَعْمُ اِنَّ اَلَك}$ (Йўқ!!! Албатта, улар ўша кунда ўз Роббиларини кўришдан тўсилурлар) дейди.

Биз, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига ваъда қилган ушбу руъятнинг ҳеч қандай кайфият ва ҳеч қандай муайян жиҳатни қамраб олмаслигига қатъий ишонамиз. Зеро, Аллоҳ таоло ушбу бандаларига ўз жамолини, кайфиятсиз ва жиҳатлар қамровисиз ҳам, кўрсатишга қодирдир. Бас, мўминлар Аллоҳ таолони жиҳатлар қамровисиз ва кайфиятсиз кўрурлар.

9. Қабрдаги икки фаришта савол-жавоби ва шунингдек унда бўладиган азоб ва неъматларга қатъий ишониш. Бу ҳақида маънавий мутавотир даражасига етадиган қадар кўплаб саҳиҳ ҳадислар ворид бўлган.

Ўлгандан сўнг қайтатдан тирилиш, жасадларнинг руҳлар билан бирга тирилишига қатъий ишониш. Ҳисоб-китоб, меъзон, сирот, шунингдек аҳли саодатнинг жаннатни, бахтсизларнинг эса дўзахни макон тутишларига қатъий ишониш. Мўмин гуноҳкорлар, Аллоҳ таоло хоҳлагани қадар жаҳаннамда азобланганларидан сўнг, дўзахдан чиқазилишларига ишониш. Қиёмат кунида Муҳаммад с.а.в кўплаб осий ва гуноҳкорларни шафоат қилишларига ишониш. Шафоат-бу шундай улуғ неъматки, Аллоҳ таоло бу билан ўз расулини икром қилган, бу билан Набий с.а.в.ни ўзга набий ва расуллардан а.с устун қилгандир. Шунингдек, ҳеч ким, Аллоҳнинг изнисиз, бошқа кимса ҳақида шафоат қилиш ҳаққига эга эмас, эканлигига ишониш.

10. Аллоҳ таоло ўз расули с.а.в суҳбатига сайлаган салафларни р.а севиш зарур эканига ишониш. Шунингдек, Расулуллоҳ с.а.в кейинги асрлардагиларга нисбатан афзал эканликларига гувоҳлик берган бошқа салафларни ҳам севиш. Расулуллоҳ с.а.в дан сўнг энг фазилатли раҳбар Абу Бакр Сиддиқ р.а эканлиги, сўнгра Умар ибн Хаттоб р.а, кейингиси Усмон ибн Аффон р.а ва тўртинчиси Алий ибн Абу Толиб р.а эканликларига қатъий эътиқод қилиш. Мана шу тўрт раҳбарлар р.а, мана шу тартибда бир-бирларига саҳиҳ байъат қилганлар. Саҳобалар р.а ҳам умумий шаклда бунга байъат қилганлар. Маълумки, саййидимиз Алий р.а ўзларидан аввалги уч раҳбарга байъат қилганлар. Алий р.а нинг берган байъатлари; ижмоъга асосланган бўлганлиги жиҳатидан, Аллоҳ таолонинг қазоси ҳисобланмиш, мана шу тартибдаги имоматнинг барчасининг ҳақ эканлигининг исботи учун улкан ҳужжат саналади. Алий р.а нинг берган ушбу байъатлари, Расулуллоҳ с.а.в оли байтининг хато ва гуноҳлардан маъсум, деб эътиқод қилувчи кишилар учун янада кучлироқ ҳужжатдир. Зеро, Алий р.а ўзларидан аввалги уч раҳбарга байъат берганлар. Алий р.а нинг байъатлари эса, ўз навбатида оли байтни маъсум сановчи кишилар учун шаръий насс ҳукмидадир. Алий р.а нинг маъсумликлари ва у кишининг аввалги раҳбарларга берган байъатларини дуруст санамаслик

Ўртасида жиддий зиддият мавжуд. Агар, Алий р.а маъсум саналсалар, у ҳолда у зотнинг берган байъатларини ҳам саҳиҳ санамоқлик лозим. Акси ҳолатни эса, ақл қабул қилолмайди. Шу билан бирга биз Расулуллоҳ с.а.в нинг барча асҳобларини севамиз. Улар ораларида бўлиб ўтган тортишувларда улардан биронтасини айблаш ёки танқид қилишдан тилимизни тиямиз. Тўрт раҳбар имомларнинг рошид, тўғри йўлдаги, фазилатли халифалар эканлигига, фазилат бобида уларга бошқалар тенглаша олмаслигига эътиқод қиламиз.

11. Мусулмонлар сўзини рушд ва ҳидоят асослари устида бирлаштириш диннинг мақсади ва талаби эканлигига қатъий ишониш. Мана шу мақсад ҳосил бўлиши учун мусулмонлар Аллоҳ шариатига эргашиш орқали бор кучларини сарфлаб саъй-ҳаракат қилмоқлари лозим. Айнан мана шу мақсадда, ҳар қандай яхши инсон ёки бошқанинг ортида жумъа, жамоат ва ҳайит намозлари жамоат ҳолида адо қилинаверади. Салафнинг йўл тарзи шундай эди. Шунингдек, саҳиҳ ҳадисларда ворид бўлганидек, мусулмон раҳбарлари ҳаққига салоҳият сўраб дуолар қилинади. Агар улар тарафидан фисқ ва тўғри йўлни тарк қилиш аломатлари кўринса ҳам, уларга қарши чиқмаслик. Балки, мусулмонларни уларга шариат доирасида итоат қилишга насиҳат қиламиз, кучимиз етгани қадар хос ва умум сафларда амр-маъруф ҳамда наҳий-мункар қиламиз.

12. Қуръон хабар берган ёки Содиқ Масдуқ с.а.в тарафларидан ворид бўлган қиёмат шартлари, белгиларига ишониш ва иқрор бўлиш. Масалан; Дажжол чиқиши, Ийсо а.с тушишлари, Яъжуж ва Маъжуж, ер ҳайвони чиқиши кабилар. Қуръони каримда хабар берилганидек, Ийсо а.с ўлдирилмаганлар, ўлмаганлар, балки Аллоҳ таоло ул зот а.с ни Қиёмат яқинлашганлиги белгиси қилиб қўйганликларига қатъий ишониш. Ийсо а.с тез орада, Қиёмат яқинлашгач, ерга тушиб, Қуръон ва Суннати Мутоҳҳара билан ҳукм қиладилар. Хочни синдирадилар, тўнғизни ўлдирадилар ва барча фирқаларни ҳақийқат узра жамлайдилар. Ундан сўнг, ҳеч ким ундан истисно қилинмайдиган,

Зумар сураси; 30-оятда баён қилинган $نُؤْتِيْكُمْ مِّنْهُنَّ اَوْ تِيْمًا كَانِ$ (Албатта, сен ҳам ўлгувчисан, улар ҳам ўлгувчидирлар) қарори Илоҳийга мувофиқ вафот этадилар.

13. Аллоҳнинг дийни борасида янгилик киритиш, бидъатчилик қилиш -бу Аллоҳга нисбатан уйдирма тўқиш ва Унга қарши журъат қилиш эканлигига қатъий ишониш. Яъни, мухтасар қилиб айтганда, бидъатчилик бу -динда бўлмаган нарсани динга киритишдир. Пайдо қилинган бидъат хоҳ

этиқодий, хоҳ ибодатга оид ҳукмларда бўлсин, бунинг фарқи йўқдир. Динга, диндан бўлмаган бирор нарса қўшимча қилиш жоиз эмасдир. Диний хусусдаги ягона ўлчов бу иттибоъдир, яъни, эргашишдир. Аммо, турли маиший соҳа, илм ва ижтимоий ҳаракатларга боғлиқ янги пайдо бўлган васила ва воситалар масаласига келсак, уларнинг ҳукми улар келтирадиган фойдалар ва зарарларга боғлиқдир.

14. Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит, Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Идрис ал-Шофеъий ва Аҳмад ибн Ҳанбалларнинг р.а Ислом шариати ҳукмларини тадвин қилганлари, унинг баёни ва ийзоҳи учун бор истеъдодларини сарфлаган тўрт имом эканликларига қатъий ишониш. Уммат, мана шу тўрт имомнинг Ислом шариати илмлари ҳамда Унинг ҳукмларини таниш борасида қадри олий ва юксак эканлигига ижмоъ қилганликларига қатъий ишониш. Ваҳоланки, улар бу борада ўта дақийқ текширувдан ўтган мазҳаблар тадвин қилдилар. Шунингдек, уммат, ижтиҳод даражасига етмаган ҳар қандай кишининг мана шу мазҳаблардан хоҳлаган бирига эргашиши, тақлид қилиши жоиз эканлигига ижмоъ қилди. Кишининг бир мазҳабни ушлаш ёки ушламаслик ҳуқуқи бордир. Борди-ю, киши Исломий Шаръий масдарларни бевосита таниса ҳамда унга шаръий ҳукмларни ёки улардан баъзиларини далил ва ҳужжатлари билан танишга кифоя қиладиган илмий малака берилган бўлса, у ҳолда унинг учун ижтиҳод қилиш, ҳукмларни далилларидан, бевосита манбалардан олишдан ўзга нарса жоиз эмас.

15. Маърифатга бўлган интилиш, ақлни турли илмлар билан озуқалантириш машруъ ва мабрур иш эканлигига ишониш. Фақатгина бу ўринда айрим шартларга риоя қилиниши лозим. Маърифат йўлига чиққан киши, аввало ҳақийқат меъзонини қўлда мустаҳкам тутиши ҳамда доимо ҳушёр ва уйғоқ бўлиши шарт. Токи, унинг нафсу ҳавоси ва шахсий манфаатлари унинг илмидан устунлик қилолмасин, унинг илми унинг нафси асирига айланиб қолмасин. Аммо илмлар орасида сеҳр илми улардан мустаснодир. Гарчи, одамлардан баъзилари, уни илм деб номласа ҳам, сеҳрни таълим олиш ва таълим бериш ҳаром эканлигига ижмоъ қилингандир. Зеро, Қуръони карим ва саҳиҳ Суннатда, унинг ҳаром эканлигига доир бир қанча очиқ-ойдин далиллар мавжуд. Бу сеҳрнинг ҳаром эканлиги ҳақидадир. аммо у билан шуғулланган одам кофир саналадими ёки йўқми, унга дунёвий қандай жазолар берилади?! Бу узун баҳс талаб қилувчи мавзудир. Биз бу мавзуга кирмоқчи эмасмиз. Аммо юнонлар фалсафаси ва мантиқ илмига келсак, буларни ўрганиш ҳақида ихтилофлар мавжуд. Бу мавзу мазкур бобнинг учинчи қисмида батафсил

ёритилади.

16. Ихтилоф қилиш жоиз бўлмаган мавзулар сўнгида, Аллоҳ таоло бандаларига амал қилишни лозим қилган Ҳақ дин иймон, ислом ва эҳсондан ташкил топишига ишонид мавзуси туради. Иймон- асосий мағиз, илик ҳукмида бўлиб, у ақл ва қалбий ишончда жойлашган бўлади. Иймон Аллоҳга, малоикаларга, китобларга, пайғамбарларга, охират кунига ҳамда яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг қадари билан эканлигига ишончда намоён бўлади. Исломнинг маркази ва тажаллийгоҳи инсоний борлиқнинг зоҳиридир. Кишининг исломияти унинг калимаи шаҳодат келтириши, намозни қоим қилиши, закот бериши, рамазон рўзасини тутиши ва қодир бўлса, ҳаж қилиши билан намоён бўлади. Ислом, иймондан алоҳида ва мустақил ҳолда, ўз ортидан ўзига хос асарларни эргаштириб келади. Лекин унинг асарлари фақатгина бу дунёга махсусдир. Мусулмон кишига, бу дунёда ҳам мўмин, ҳам мусулмон киши каби муомала қилинаверади. У билан бошқа мўмин-мусулмонлар орасида айирмачилик қилинмайди. Аммо банданинг Аллоҳ ҳузуридаги ҳисоби ва оқибатда борадиган жойи эътиборига кўра, ислом ва иймон бир-биридан ажралмас эгизлар кабидир. Қалбий иймони бўлмаган мусулмон Аллоҳ ҳузурида нажотга эришмайди. Шунингдек, саркашлик ва мутакаббирлик нуқтаи назаридан Ислом арконларига бўйсунмаган, калимаи шаҳодат келтирмаган кимса ҳам даргоҳи Илоҳийда нажот топмайди.

Бу сўзларнинг асоси Расулуллоҳ с.а.в нинг саҳиҳ суннатларидир. Саҳиҳ суннатларда ривоят қилинишича, Расулуллоҳ с.а.в одамларга ҳукм чиқариш чоғида, асҳобларини зоҳирга қараб ҳукм беришга, кишиларнинг ботинларини эса Аллоҳга ҳавола қилишга амр қилар эдилар. Хулафои рошидийнлар р.а ҳам ўз ҳукмлари ва ечимлари орқали мана шу услубга ижмоъ қилганлар. Умар р.а бирон жамоат орасида ҳукм беришларига тўғри келиб қолса ва ўша жойда ким ҳақлиги ҳақида шубҳаланиб қолсалар, уларга: “ҳозир биз сизларга, биз билган зоҳирингизга қараб ҳукм қиламиз. Ботинларингизни эса Аллоҳга ҳавола қиламиз.” дер эдилар. Модомики, ислом кишининг зоҳирий ҳолатини ифодалар, иймон эса ўзгаларга маълум бўлмаган махфий нарса экан, у ҳолда кишига, бу дунёда, унинг зоҳирига қараб ҳукм қилинаверади.

Эҳсон – бу, Расулуллоҳ с.а.в айтганларидек: “(Сен) Аллоҳга, гўё Уни кўриб тургандек ибодат қилмоғингдир. Бас, агар (сен) Уни кўролмаётсанг (ҳам), У сени кўриб турибди” деганидир .

Шубҳасиз, ушбу ҳолат инсонни инсон борлиғидаги иймон ва исломдан иборат бўлган аслий даражадан янада юқорироқ даражага кўтаради. Ушбу даражада, инсоннинг Аллоҳга бўлган ақлий ишончи унинг виждоний ҳиссиётларини тўла назорат қила бошлайди. Ва натийжада, мазкур ишонч унинг бутун борлиғига бирдек таъсирини ўтказа бошлайди. Эндиликда унинг ўз атрофидаги мавжудотлар билан қиладиган муомалалари ўзгаради. У атрофида кўринган барча нарсани Аллоҳни эслатувчи эслатма ҳукмида қабул қила бошлайди. Илгари, дунё ва ундаги нарсалар, уни Аллоҳдан чалғитувчи сифатида кўрилаётган бўлса, энди эса, аксинча, бутун борлиқ ягона Аллоҳни эслатувчи воситага айланади. Кишининг кўзи турфа махлуқларга тушган чоғда, Аллоҳнинг сифатлари, борлиги ва бирлиги далиллари тажаллийсини кўради. Бу даражадаги киши, Робби учун намозга қоим бўлган чоғда, дунё ташвишлари ва атрофдаги борлиқнинг гўзалликлари уни Аллоҳдан тўсиб қололмайди, унга пардалиқ қилолмайди. Бу даражадаги киши нимани кўрса, нимани эшитса ва нимани ўйласа, бас унда Аллоҳ рубубийяти ва ваҳдониятининг сифатларини, қудрати буюклиги ва етук ҳикмати намойишини томоша қилади. Ва сўнгида, у Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилиш савиясига етади.

Эҳсон даражасига етишнинг йўли нафсни поклаш, Аллоҳ аzza ва жаллани кўп зикр қилиш, Унинг муроқабасида бўлиш, нафсни ҳаводан озод қилиш учун тинимсиз уруниш ва ҳаётий дунёга оид нарсалардан юқори туриш билан бўлади. Бу йўллар, бидъат кўчасига кирилмаса, Қуръон ва Суннат йўлидан ташқарига чиқилмаса, машруъдир ва матлубдир.

Муҳим бўлган нарса шулки, бу умматнинг салафи, хайрлиси бўлган зотлар бизга таълим берган нарсани билишдир. Бу таълимотга кўра, иймонни кўриқлаш, уни муҳофаза қилишнинг чораси кишининг “эҳсон қальаси”га киришидир. Инсон бу даражага етишмоқ масаласида лоқайдликка йўл қўймаслиги лозим. Акси ҳолда, у ўзининг ақлий иймони шаҳватлар ва ҳавоий нафсларга қул бўлиб қолишидан, дунё ва унинг матоларига алданиб қолишидан омонда бўлолмайди.

Аслида, нафс хоҳишлари ва субутсизликлари кишининг иймонини қамал қилиб олган энг ашаддий душман ва тузоқдир. Бу душман ва тузоқдан қутулиш чорасини Аллоҳ таоло Қуръони каримда жуда кўп маротаба зикр қилган ва такрорлагандир. Чора эса, нафс тазкияси, яъни уни Ундан ўзгалардан поклашдир. Тазкиянинг йўли нафс мужоҳадаси, ва бу йўлда Аллоҳни кўп зикр қилиш орқали Ундан мадад сўраш ҳамда доимий

мувоқабат билан бўлади.

Муттафақ бўлган ҳукмлар ва асосларнинг энг муҳимлари мана шулардир. Аллоҳ дийни бўлмиш Ислонни аслий манбалардан, собит насслар орқали ўрганмоқчи, далолат ва фаҳмлаш борасида ҳужжат қилмоқчи бўлган кишилар учун бу масалаларда ихтилофга ўрин йўқдир.

Агар мавзудан четга чиқиш ҳисобланмаганида эди, юқоридаги ҳукмларнинг муттафақ манҳаж асосидаги қатъий далилларини келтириб ўтган бўлар эдик. Аммо бундай тафсилотлар мавзудан ташқаридир.

Яна, бу ўринда, бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимиз, яъни, биз санаб ўтган, жамловчи манҳаж соясида муттафақ бўлган асос ва ҳукмларнинг айримларини қабул қилмаган кишиларнинг барчасига ҳам куфр нисбати берилавермайди. Айримларнинг мазкур муттафақ доирадан ташқарига чиққанликлари бор ҳақийқатдир. Аммо бу дегани, ушбу манҳаж нотўғри, деган маънони ифодаламайди.

Муттафақ асос ва ҳукмлар орасида баъзилари борки, унинг инкори куфрни тақозо қилади. Айримлари эса, куфрни тақозо қилмайди. Ижмоъ қилинган ҳар қандай ҳукмларни инкор қилиш эмас, балки улар орасидан, уни билиш дийний зарурат ҳисобланадиганларини инкор қилиш кишини кофирга айлантиради. Юқоридаги мазкурлар ичида баъзилари, гарчи ижмоъ қилинган бўлса ҳам, уни билиш дийний зарурат бўлмаганлардан саналади.

Бунга мисол сифатида икки шайх имоматини инкор қилишни келтириб ўтиш мумкин. Кўплаб шийъаларнинг мазҳаби шундай бўлиб, бу ижмоъга қарши чиқиш ҳамда ҳакам саналувчи манҳаж тақозосига зид бориш ҳисобланади. Аммо бу тарзда эътиқод қилиш куфр саналмайди. “Инсон ўз феълини ўзи яратади”, сўзи ҳам бунга мисол бўлади. Бу сўз мўътазилаларга мансубдир. Бу сўз муттафақ манҳаж қоидаларига зид бўлсада, аммо бу сўз эгалари бўлмиш мўътазилаларни, куфрга мансуб, деб бўлмайди. Чунки мўътазилалар ушбу сўзларининг ёнида, қувват ва қадарнинг яратувчиси Аллоҳдир, деган сўзни ҳам айтадилар ва буни эътироф этадилар. “Икки манзил орасидаги манзил” сўзи ҳам шулар жумласидандир. Бу сўз мўътазилаларнинг беш асосларидан биридир. Аммо бу сўз ҳам айтувчисини куфрга чиқазмайди. Зеро, бу сўз ботил сўз бўлсада, лекин билиш дийний зарурат бўлган нарсалардан ҳисобланмайди. Эҳсон

маъносини англамаган, унга аҳамият бермаган кимса ҳам кофир ҳисобланмайди, динни инкор қилган саналмайди. Гарчи, эҳсон манҳаж тақозоси ва лозимотларидан ҳисоблансада, аммо у ҳар бир мусулмон билиши қулай бўлган, ишониши осон бўлган исбот талаб қилмайдиган заруратлардан эмас.

Мана шу асосларни инкор қилиш ёки уни билмаслик кишини куфрга олиб бормади. Аммо бу сўзлар ўз мункирларининг фосиқ, бидъатчи ва ҳақ йўлдан оғиб кетганликларига, уларнинг залолатда эканликларига далил бўла олади.

Юқорида мисол келтирилган сўзлар эгаларини адашганлар, дея атамоқдамиз, аммо уларни кофир санамаймиз. Улар ҳақида бундай дейишимизга сабаб, уларнинг ушбу сўзлари барча мусулмонлар учун ҳакам саналган муттафақ манҳаж бандларига мувофиқ келмаётганлигидандир. Агар киши манҳажга иттифоқ қилса, демак у ўз-ўзидан ўша манҳаждан чиққан бандларга ҳам иттифоқ қилган бўлади. Киши манҳаж хусусида ихтилоф қилиши номаъқул бўлса, демак ўша манҳаж тақозоси бўлган бандалар хусусида ҳам ихтилоф қилишга унинг ҳаққи йўқ демакдир. Бу ихтилоф куфрга олиб бориши ёки олиб бормаслиги эса, ўта аҳамиятли нарса эмас.